

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил январь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди, Янгиҳаёт туман Олчазор маҳалла фуқаролар йиғини биносида очиқ сайёр суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи судья З.Ярашев, судья ёрдамчиси Ж.Абдураимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгиҳаёт туман прокурорининг ёрдамчиси Д.Пардаев, судланувчи А.Муртазоев ва унинг ҳимоячиси-адвокат Х.Хидиров ҳамда жабрланувчи С.Хасановларнинг иштирокида,

2001 йил 15 ноябрь куни Қашқадарё вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Қашқадарё вилояти, Касби тумани, Денов қишлоқ фуқаролар йиғини, Истиқлол кўчаси, 35-уйда яшовчи, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2022 йил 08 январь куни суддан олган **Муртозаев Аслиддин Жобир ўғли** (*Murtozayev Asliddin Jobir o`g`li*)ни

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисми ва 28,211-моддасининг 1-қисми билан айблаш ҳақидаги 1-1012-2103/419-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тўпланган ҳужжатларни атрофлича таҳлил қилиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Муртозаев Аслиддин Жобир ўғли 2021 йилнинг 20 ноябрь куни ўзганинг мулкани алдаш, ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Хасанов Санжар Ортиқ ўғлига, Учтепа туманида жойлашган “Фарход дехқон бозори” Аакционерлик жамияти раҳбарияти билан алоқалар яхши эканлигини, бозор раҳбари орқали, унга 400 АҚШ доллари



эвазига бозор худудидан савдо фаолияти билан шуғулланиши учун раста гаплашиб беришини айтиб, А.Ж.Муртозаевни алдаб, уни пул маблағларини пора тариқасида беришига далолат қилган.

Фуқаро С.Хасановнинг аризасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура хузуридаги Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚБК ва ИЖҚКБ ходимлари билан ҳамкорликда, 2021 йил 23 ноябрь куни, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчасида жойлашган метронинг “А.Навоий” бекати олдида соат тахминан 13<sup>30</sup> да ўтказилган тезкор тадбирда, Муртозаев Аслиддин Жобир ўғли, ўзганинг мулкини алдаш, ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида С.Хасановдан олинган келишувга асосан, Учтепа туманида жойлашган “Фарход дехқон бозори” худудидан бозор раҳбарияти орқали савдо растаси ажратиб бериш эвазига 400 АҚШ доллари миқдордаги пулларни талаб қилиб, тезкор тадбир давомида кимёвий ишлов берилган 200 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотига кўра 23.11.2021 йилда 1 АҚШ долларининг ўзбек сўмига нисбатан қиймати 10.756,03 сўмни ташкил қилган, яъни 200 АҚШ доллари-2.151.206 сўм) миқдордаги пулларни олдиндан олаётган вақтида далилий ашёлар билан ушланган.

Ўтказилган судга оид кимёвий экспертизасининг 2021 йил 09 декабрь кундаги 2/1136-сонли хулосасига кўра, А.Ж.Муртозаевнинг ўнг ва чап қўлларидан суртиб олинган суртмалардан топилган кукун моддалари-махсус кимёвий мода ҳисобланиб, таққослаш учун келтирилган (объект №5,6)лар стандарт-намунага нурланиш ранги билан турдошлиги, текширилаётган 1 дона жами 100 (юз) АҚШ долларидан олинган кукун моддалар-кимёвий мода ҳисобланиб, таққослаш учун келтирилган махсус кукун (объект №2) стандарт-намунага нурланиш ранги билан турдошлиги кўрсатилган.

Судланувчи Муртозаев Аслиддин Жобир ўғли айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, муқаддам Учтепа туманида жойлашган “Фарход дехқон бозори”да савдо-сотик ишлари билан шуғулланиб келганлигини, шу сабабли, бозорнинг қайси жойида



қандай маҳсулотлар сотилишини яхши билишини, бу ҳақида уни танишларининг ҳам хабари бўлганлигини, 2021 йилнинг 17 ноябрь куни унга Тошкент шаҳрида яшовчи “Бахтиёр” исмли таниши қўнғироқ қилиб, у билан ҳол аҳвол сўраб нима иш билан шуғулланаётганлигини, бозорда савдо-сотик қилаётган бўлса, бозордан товук сотиш учун жой олиши кераклигини, жой олиш масалалари қандай ҳал бўлаётганлигини сўраганлигини, унинг сўровига асосан унга ҳозирги вақтда бозорда савдо ишлари билан шуғулланмаётганлигини, ҳозирги вақтда Қашқадарё вилоятида эканлигини, Тошкент шаҳрига борган вақтида, бозор маъмуриятдан суриштириб кўришини маълум қилганлигини, Бахтиёр унга-Санжар исмли таниши қўнғироқ қилишини, унга ёрдам бериб юборишини илтимос қилганлигини, шундан сўнг, 2021 йилнинг 19 ноябрь куни Тошкент шаҳрида юрган вақтида унга ўзини Санжар деб таништирганлигини, кейинчалик тергов ҳаракатлари давомида маълум бўлишича С.Хасанов қўнғироқ қилиб, Бахтиёрнинг таниши эканлигини, товук сотиладиган раста олмоқчилигини, шу масалани ҳал қилишда ёрдам беришини сўраганлигини, унинг илтимосига асосан у Фарҳод бозорида ишловчи “Бахтиёр” исмли маъсул ходимга қўнғироқ қилиб, телефон орқали товук маҳсулотлари сотиладиган бутка кераклигини, бозор ҳудудида бирор-бир буткани ижарага бера олиши ёки бермаслигини сўраганлигини, Бахтиёр унга суриштириб кўришини, ушбу масалаларни бозор раҳбарининг ўринбосари Тохир ҳал этишини айтганлигини, шундан сўнг, 2021 йилнинг 22 ноябрь куни унга С.Хасанов қўнғироқ қилиб телефон орқали савдо буткасини суриштирган ёки суриштирмагани, ҳолат нима бўлгани, битта буткада жой олиш неча пулга ҳал бўлиши ҳақида сўраганлигини, унинг сўровига асосан тахминан 400 АҚШ долларига битишини, ушбу пулни ичида жойнинг солиғи ҳамда СЕС ходимларига тўловлар ҳам киришини, бирор-бир буткани гаплашиб беришни деб айтгани, С.Хасанов уни таклифига рози бўлганлигини ва ўзаро учрашиб олишликни таклиф қилганлигини, ўша вақтда пулга муҳтож бўлиб қолганлиги сабабли, С.Хасановга бозор маъмуриятини танишини, бутка ҳал қилиб беришини айтганлигини, аслида у бозорнинг бирор-бир маъсул ходимини танимаслигини, С.Хасанов унга пул берган тақдирда бирор-бир



раста ёки савдо буткасини олдини ижарага олиб шу ерда фаолият юритиши учун шароит қилиб бермоқчи бўлганлигини, 2021 йилнинг 23 ноябрь куни соат тахминан 12<sup>00</sup> лар атрофида С.Хасанов унга қўнғироқ қилиб, савдо растаси учун пулларни тайёрлаб қўйганлигини, учрашиб олишларини айтганлигини, унинг таклифига кўра, ҳали жойни гаплашмаганлигини, ишлар ҳал бўлганидан кейин пулни беришини айтганлигини, уни қаерда эканлигини, учрашиб олишни сўрайверганлигини, кейин у билан Шайхонтохур туманидаги метронинг “А.Навоий” бекати олдида учрашганлигини, С.Хасанов билан учрашган вақтида, у 200 АҚШ долларини бериб, ишни ҳал қилишни, қолган пулларни кейин беришини айтганлигини, ўша вақтда унга пул зарур бўлганлиги сабабли, С.Хасанов кейинчалик уни алдаб кетмаслиги учун ундан яна 100 АҚШ долларини беришини, бу пулларни бозор раҳбариятига беришини айтганлигини, бироқ, С.Хасанов унга 100 АҚШ долларини бермасдан, фақатгина 200 АҚШ долларини бериш билан чегараланиб қолганлигини, пулларни олиб чўнтагига солганидан кейин, Санжар уни ёнидан кетиши билан уни ёнига фуқаролик кийимидаги ўзларини департамент ходими эканлигини айтиб таништирган шахслар келиб, тадбир ўтказишаётганлигини айтиб, ҳозир С.Хасановдан нима олганлигини сўрашганлигини, уларнинг саволларига жавобан барча ҳолатни айтиб берганлигини, шундан сўнг, департамент ходимлари холислар иштирокида пулларни беришини сўрашганлигини, кейин ўзи департамент ходимларига чап чўнтагидаги жами 200 АҚШ долларини холислар иштирокида тақдим этганлигини, кейин уни Департамент маъмурий биносига таклиф қилишганлигини, бу ерда қўлларидан кимёвий суртмаларни суртиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, пул маблағларини далилий ашё тариқасида олишганлигини ва у ҳолат юзасидан тушунтириш хати ёзиб берганлигини, тадбир жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан бирор-бир ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир қилинмагани, айбини тушуниб етгани, қилмишидан пушаймонлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.



Судланувчи А.Муртозаевнинг айби ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, қуйидаги далиллар билан ҳам исботланган.

Жабрланувчи Хасанов Санжар Ортиқ ўғли 2021 йилнинг тахминан ноябрь оyi ўрталарида ишсиз юрган кезларида бозорда савдо-сотик ишлари билан шуғулланишга қарор қилганлигини ва Учтепа туманида жойлашган “Фарҳод дехқон бозори”га борганлигини, у ердаги ижарага берилиши мумкин бўлган жойларни суриштира бошлаганлигини, бироқ ижарага бериладиган жойларни топа олмаганлигини, шунда бозорга кириш эшиги олдида унга олдиндан нотаниш бўлган, ўзини Бахтиёр деб таништирган йигит унга 99-134-60-50 абонент рақамини бериб, бу боланинг исми “Аслиддин” эканлигини, шу болага қўнғироқ қилиб кўришни, у бозор ҳудудидан жой қилиб бериши мумкинлигини айтганлигини, кейин у Аслиддинга қўнғироқ қилиб телефон орқали бозор ҳудудида савдо ишлари билан шуғулланмоқчи эканлигини, жой қилиб бера олиши ёки олмаслигини сўраган вақтида у - Фарҳод дехқон бозорининг 1-сектор 1-қаторида АКФА ромлар билан ўралган бутка борлигини, ушбу буткани гаплашиб бера олишини, агарда 400 АҚШ долларини берса, ушбу буткада савдо фаолияти билан шуғулланишини бозор раҳбарияти билан келишиб гаплашиб беришини айтганлигини, кейин унга жойни гаплашиб берганлиги эвазига 400 АҚШ долларини бериши қимматлигини айтганида, у дастлаб 200 АҚШ доллари беришни, савдони бошлаганидан кейин қолган 200 АҚШ доллари беришини айтганлигини, шундан сўнг, 2021 йилнинг 20 ноябрь куни А.Муртозаев билан телефон орқали гаплашганида у зудлик билан бозорга келишини, “Фарҳод” дехқон бозори раҳбари чақираётганлигини, биргаликда бозор раҳбарининг олдида кириб чиқишини айтганлигини, унга Тошкент шаҳридан узоқроқда эканлигини, ҳозир бозорга бора олмаслигини айтганлигини, шундан сўнг, орадан тахминан ярим соатча ўтгандан кейин А.Муртозаев унга қўнғироқ қилиб, бозор раҳбарининг олдида кириб чиққанлигини, ҳаммасини гаплашганлигини, 200 АҚШ доллар бериши кераклигини, унга ёки бозорда патта пулини йиғувчи бўлиб ишловчи Бахтиёр исмли кишига беришини, улар ўзаро ака-ука эканлигини, пулни кимга берса ҳам фарқи



йўқлигини, унинг паспорт нусхаси кераклигини маълум қилганлигини, 2021 йил 21 ноябрь куни соат тахминан 11:30 ларда “Аслиддин” ўзига қўнғироқ қилиб, Фарҳод деҳқон бозорига келишни, ажратиладиган жойни кўришини, жой ёқса 200 АҚШ долларини бериб кетишини айтганлигини, унга ярим бир соатларда боришини айтганлигини, шундан кейин тахминан ярим соатлар ўтгач А.Муртозаев яна қўнғироқ қилиб, унга уйининг олдидаги Учтепа тумани, Чилонзор-13 даҳасида жойлашган “Наполеон” деб номланувчи кафедра тушлик қилиб ўтирганлигини, шу ерга келишни айтганлигини, унинг олдида тахминан соат 14:00 ларда бориб кўришганлигини, А.Муртозаев билан кўришган вақтида у-паспорт нусхаси билан 200 АҚШ долларини олиб келганини сўраганлигини, унга-пул уйда эканлигини, پاسпорти ёнида йўқлигини айтганлигини, шунда А.Муртозаев унга-кеча икки марта телефон қилганлигини, телефонни кўтармаганлигини ўша вақтда бозорда патта йиғувчи бўлиб ишловчи Бахтиёр исмли кишига унинг номидан 100 АҚШ доллари бериб юборганлигини, ҳозир Бахтиёрнинг олдида бирга боришлари кераклигини маълум қилганлигини, у рози бўлганлигини, тушлик қилиб бўлгач унга Бахтиёрнинг ёнига боришини сўраганида, у ҳозир турмуш ўртоғи телефон қилганлигини, соғлиги ёмонлашганлиги сабабли тез уйга бориш кераклигини ваз қилиб уни ёнидан кетганлигини, ўша куни кечқурун А.Муртозаев бир неча маротаба телефон қилиб, унинг номидан Бахтиёрга берган 100 АҚШ долларини бериши кераклигини айтганлигини, А.Муртозаевнинг ҳатти-ҳаракатлари шубҳали бўлиб, унга қонуний чора кўришликни сўраб Тошкент шаҳар ИИББга ариза билан мурожаат қилганлигини, уни аризасига асосан, 2021 йил 23 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида унга икки нафар ҳолис иштирокида 200 АҚШ доллари тақдим қилишганлигини, ушбу икки юз АҚШ долларининг биттасига пора сўзлари ёзилиб, кимёвий ишлов беришганлигини ва А.Муртозаев билан ўртасида бўлиб ўтадиган суҳбатни ёзиш мақсадида махсус овоз ёзиш мосламаси ҳам тақдим қилишганлигини, шундан кейин у А.Муртозаевнинг телефон рақамига қўнғироқ қилганлигини, у билан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абай ва Олмазор



кўчалари кесишмасида жойлашган А.Навоий номли метро бекати ёнида учрашишга келишиб олишганлигини, у бошқарма биносидан тезкор ходимлар иштирокида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абай ва Олмазор кўчалари кесишмасида жойлашган А.Навоий номли метро бекати ёнига борганлигини, тезкор ходимлар атрофга тарқалишганлигини ҳамда унинг ҳаракатларини кузатишганлигини, тахминан соат 14:00 ларда А.Муртозаев унинг олдига келганлигини, у билан бир оз вақт гаплашишганлигини, А.Муртозаев унга 200 АҚШ доллари олиб келгани ёки олиб келмаганини, 200 АҚШ доллари кам яна 100 АҚШ доллари беришини сўраганлигини, қолган 100 АҚШ доллари бошқа вақти беришини айтганида, у бўлмаса 200 АҚШ доллари беришини, қолган 100 АҚШ долларини кейинроқ беришини айтганлигини, кейин унга кимёвий ишлов берилган 200 АҚШ долларини Тошкент шаҳар, Учтепа туманида жойлашган Фарҳод дехқон бозорида дўкон қилиб бериш эвазига берганлигини ҳамда тезкор ходимларга пул берганлиги тўғрисида олдиндан келишилган ишорани берганлигини, тезкор ходимлар уларнинг олдига холислар иштирокида келиб текширув эълон қилишганлигини, ушбу ҳолат кўчада бўлганлиги сабабли, ҳужжатларни расмийлаштириш учун Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармасига таклиф қилишганлигини, бошқарма биносидан бўлган ҳолат бўйича тушунтириш хати олинганлигини ҳамда 2021 йил 23 ноябрда тузилган баённомаларни ўқиб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач имзо қўйиб берганлигини, судланувчи А.Муртозаевга нисбатан бирор-бир даъвоси йўқлигини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Абдигапаров Бахтиёр Исоқович “Фарҳод дехқон бозори” акционерлик жамиятида назоратчи лавозимида 2021 йилнинг июнь ойидан буён ишлаб келишини, хизмат вазифаларига унга бириктирилган, 1-секторда тадбиркорлардан кунлик патта чекларини текшириш, ўзига бириктирилган ҳудудни санитария ҳолатини назорат қилиш, ноқонуний савдоларни олдини олиш ва уларга қарши курашиш ва шу билан боғлиқ бошқа бир қатор вазифалар киришини, 2021 йилнинг тахминан октябрь ойларида бозор ҳудудида аравакашлик қилиб юрганлигини, унга олдиндан нотаниш бўлган кейинчалик тергов ҳаракатлари давомида исми маълум бўлишича Аслиддин



Муртозаев исмли бола унга мурожаат қилиб, бозор расталарида савдо-сотик ишлари билан шуғулланмоқчи эканлигини, бирор бир раста тўғрилаб беришни сўраганлигини, унинг илтимосига жавобан бўш расталардан бирида савдо қилиши мумкинлигини, кунлик патта пулини кассага тўлаб савдо фаолияти билан шуғулланиши мумкинлигини айтганлигини, шундан сўнг, 2021 йилнинг тахминан 20 ноябрь куни А.Муртозаев унга қўнғироқ қилиб, телефон орқали унга яна бозорда савдо қилмоқчи эканлигини, жой тўғрилаб бера олишини, бозорга борса бўлишини сўраганлигини, унинг сўровига асосан унга такроран бозор ҳудудида мавжуд бўш растада савдо қилиши мумкинлигини, фақатгина савдо фаолияти билан шуғулланганлиги учун патта пулини тўлаши лозимлигини айтиб, унга тушунтириш берганлигини, А.Муртозаев билан ўртасида ҳеч қандай алоқалар мавжуд эмаслигини, уни фақатгина Қашқадарё вилоятидан эканлигини билишини, 2021 йилнинг 23 ноябрь куни уни Департаментга таклиф қилишган вақтида, А.Муртозаев бир фуқарога бозор ҳудудидан жой гаплашиб беришни ваъда қилиб алдов йўли билан пул маблағларини қўлга киритганлигини эшитганлигини, А.Муртозаевнинг ушбу ҳаракатларидан хабари бўлмаганлигини ва у билан бозор ҳудудидан жой тўғрилаб бериш борасида келишувларни амалга оширмаганлигини, А.Муртозаев Фарход деҳқон бозорида ишламаслигини, бир маротаба аравада тирикчилик қилиб юрганлигини кўрганлигини, А.Муртозаевга ёки С.Хасановларга бозор ҳудудидан жой олиб беришни ваъда қилмаганлигини, бозор ҳудудидаги бўш расталар эркин тарзда кунлик патта пули тўлаш йўли билан олинишини, А.Муртозаев билан бирор-бир келишувларни амалга оширмаганлигини, пул маблағларини олмаганлигини ва сўрамаганлигини айтиб кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари судланувчи А.Муртозаевнинг айби жиноят иши материалларида тўпланган ва судда текширилган билдирги, жабрланувчининг аризаси, тадбирда ишлатиш учун пул маблағларига ишлов бериш ва уларни аризачига тақдим этиш ҳақидаги, овоз ёзиш мосламаси (диктафон) ни тақдим этиш ҳақидаги, овоз ёзиш мосламаси (диктофон) ни қайтиб олиш ҳақидаги, ушланган шахсни шахсий тинтув ҳақидаги, пул маблағларини қайтиб олиш ҳақида, аризани



текшириш ҳақида, юзлаштириш, уяли алоқа телефон аппаратурини кўздан кечириш баённомалари, суд кимёвий экспертизаси хулосаси, телефон ёзишмалари ҳамда терговда сўроқ қилинган ва кўрсатувлари судда ўқиб эшиттирилган З.Ходжаевнинг кўрсатувлари ишида тўпланган бошқа асосли далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Суд судланувчи А.Муртозаевнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 28,211-моддасининг 1-қисми билан тўғри, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Қонун мазмунига кўра, фирибгарлик жинояти ўзганинг мулки қўлга киритилган ва айбдорда ўз ихтиёрига кўра талон-торож қилинган мулкни тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган пайдан бошлаб, тугалланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 25-моддасининг 2-қисмида қасдан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади.

Иш ҳолатларига кўра, А.Муртозаевнинг С.Хасановнинг ишончига кириб, алдаш йўли билан унинг кўп миқдордаги пул маблағларини қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатлари М.Ашурованинг аризаси асосида ўтказилган тадбир натижасида, ўзига боғлиқ бўлмагани ҳолда охирига етказилмаган.

Суд, юқоридагиларга асосан А.Муртозаевнинг айбини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 168-моддаси 1-қисмидан ўзганинг мулкни қўлга киритишга суиқасд қилганлик сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,168-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғриси” ги 7-сонли Қарорининг 26-банди 2-хатбошисида “Судланувчи томонидан содир этилган бир жиноят, жиноят қонунининг бир неча моддалари билан хато тавсифланганда ёки бир неча содир этилган жиноятларни жиноят қонунининг оғирроқ жазони тақозо қилувчи биргина моддаси билан тавсифлаш ўрнига асоссиз равишда жиноят қонуни бир



моддасининг бир неча қисмлари билан тавсифлаганда, суд хукмининг тавсиф қисмида судланувчига хато қўйилган жиноят қонунинг моддаси (моддаси қисми)ни чиқариб ташлаш тўғрисида ҳам тегишли асослар келтирган ҳолда кўрсатиб ўтиш етарлидир, хукмнинг қарор қисмида такрорлаш шарт эмас” деб қайд этилганлиги инобатга олиб, суд судланувчи А.Муртозаевнинг жиноий ҳаракатларини қайта малакаланганлигини хукмнинг қарор қисмида кўрсатмасликни лозим топади.

Суд судланувчи А.Муртозаевга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, оилавий шароитини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 25,168-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазосини жиноят содир қилинган вақтда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда тайинлашни, Жиноят кодексининг 28,211-моддасининг 1-қисми санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлаган ҳолда, ЖКнинг 59-моддасининг 2-қисми тартибида жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, бундан ташқари Янгиҳаёт туман ИИО ФМБ ТБ бўлинма бошлиғи подполковник А.Шахидовнинг 2021 йил 20 декабрдаги Хасанов Санжар Ортиқ ўғлини жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишни лозим топади.

Суд шунингдек, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф қилинган тезкор тадбир давомида фойдаланилган пулларга ишлов беришда фойдаланилган тампонлар, махсус кукун, А.Муртозаевни чап ва ўнг қўлидан олинган суртмалар, тоза тампонлари хукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни белгилашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, бундан ташқари, тадбирда ишлатилган 200 АҚШ доллари миқдоридagi пул маблағлари Департаментнинг Янгиҳаёт туман бўлими тезкор вакилларига, бир дона қора



рангли “Самсунг Галакси А 22” русумли уяли алоқа телефон аппарати А.Муртозаевга қайтарилганлиги инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 472-моддаларига асосан, суд

### Ҳ У К М:

**Муртозаев Аслиддин Жобир ўғли** (*Murtozayev Asliddin Jobir o`g`li*) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 25,168-моддасининг 1-қисми ва 28,211-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Муртозаев Аслиддин Жобир ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,168-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 (эллик) баравари яъни 13.500.000 (ўн уч миллион беш юз минг) сўм жарима жазоси;

Муртозаев Аслиддин Жобир ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 28,211-моддасининг 1-қисми билан сутканинг кеч соат 22<sup>00</sup> дан эрталаб соат 7<sup>00</sup>га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси;

Муртозаев Аслиддин Жобир ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 59-моддасининг 2-қисмига асосан тайинланган жазоларни енгилини оғири билан қоплаш йўли билан узил-кесил ўташ учун қатъий сутканинг кеч соат 22<sup>00</sup> дан эрталаб соат 7<sup>00</sup>га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

А.Муртозаевнинг зиммасига:

-оммавий, шу жумладан тўй, марака, диний ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

- ресторан, кафе, бар, клуб ва дискотекаларга бормаслик;

- алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

-ҳар ойда икки маротаба Касби туман ИИО Пробация гуруҳидан рўйхатдан ўтиб туриш, Пробация гуруҳининг розилигисиз яшаш жойи ва иш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Қашқадарё вилояти ҳудудидан ташқари чиқмаслик каби таъқиқ (чеклаш) лар юклатилсин.



Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати суд ҳукми Касби туман ИИО Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Озодликни чеклаш жазосини ижро қилиш Касби туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

-А.Муртозаевга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаров пуллари унинг ўзига қайтарилсин;

-иш бўйича ашёвий далил деб эътироф қилинган тезкор тадбир давомида фойдаланилган пулларга ишлов беришда фойдаланилган тампонлар, махсус кукун, А.Муртозаевни чап ва ўнг қўлидан олинган суртмалар, тоза тампонлари ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Тадбирда жами 200 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағлари Департаментнинг Янгиҳаёт туман бўлими тезкор вакилларига, бир дона қора рангли “Самсунг Галакси А 22” русумли уяли алоқа телефон аппарати А.Муртозаевга қайтарилганлиги инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Янгиҳаёт туман ИИО ФМБ ТБ бўлинма бошлиғи подполковник А.Шахидовнинг 2021 йил 20 декабрдаги Хасанов Санжар Ортиқ ўғлини жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарорини бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган вақтдан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

**Раислик қилувчи:**

**(имзо)**

**З.З.Ярашев**

***Нусхаси аслига тўғри:***

